

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди 2023 йил май ойининг 26 куни, «Лолазор» маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очиқ суд мажлисида, судья С.Хожамкулованинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Ортиқалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Тошкент транспорт прокуратураси иш ўрганувчиси Э.Юлдашев, судланувчи А.Равшанов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “MIROBOD ADVOKATLARI” адвокатлар ҳайъати адвокати Н.Халбекованинг иштирокида Равшанов Абдурахмон Абдумўминовичга нисбатан 1-1002-2305/305-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра: Равшанов Абдурахмон Абдимўмин ўғли (**RAVSHANOV ABDURAHMON ABDUMOMIN O'G'LI**) 1992 йил 13 апрель куни Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Тошкент темирйўл масофаси” 110-сонли бўлинмаси йўл устаси, муқаддам судланмаган, оилали, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Ўчоқли МФЙ, Ободончилик кўчаси 6-уйда истиқомат қилувчи, 2023 йил 6 май куни муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

А.Равшанов 2022 йил август ойларида Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Қумовул ҚФЙ, Ўчоқли МФЙ, Ободончилик кўчаси 6-уйнинг орқа томонидан оқиб ўтувчи канал бўйида ўсиб ётган наша ўсимлигининг тахминан 5-6 та барглари юлиб олиб, қоғоз бўлагига ўраб, яшаш хонадонининг молхонаси томига куриштиш учун қўйиб, ўз истеъмоли учун сақлаб келган.

2023 йил 5 апрель куни тахминан соат 15:30ларда Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги “Сирғали” темир йўл бекатида жойлашган “Тошкент темир йўл масофаси” (ПЧ-2) корхонасининг 11-сонли бўлинмасида, Транспорт ва ТОХТД ЖКБ ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида, ушбу бўлинмада йўл устаси бўлиб ишловчи А.Равшанов холислар иштирокида шахсий тинтув қилинганда, унинг эғнидаги сариқ рангли куртканининг чап чўнтагидан оқ рангли қоғозга ўралган, у ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равижда сақлаётган яшил рангли ўткир ҳидли қуруқ ҳолдаги ўсимликсимон модда аниқланиб, ашёвий далил тариқасида баённома асосида олиб қўйилган.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг 08.04.2023 йилдаги №356-сонли хулосасига кўра, А.Равшановдан олинган модда таркибида фаол гиёхванд модда кариофиллен, каннабидиол, тетрагидроканнабинол ва каннабинол моддалари мавжуд бўлиб, бу модда “марихуана” гиёхвандлик воситаси эканлиги, унинг куруқ ҳолдаги соф оғирлиги 3,36 граммга тенглиги аниқланган.

Судланувчи А.Равшанов дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2022 йил тахминан август ойи ўртасида яшаш манзили, яъни Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Ободончилик кўчаси, 6-уйнинг орқа томонидан оқиб ўтадиган канал бўйида ёввойи наша ўсимлиги ўсиб ётганлигини кўриб, унинг тахминан 5-6 та баргларини юлиб олиб, қоғоз бўлагига ўраб, уйининг молхонаси томига қуритиш учун қўйиб қўйганлигини, 2023 йил йилнинг 4 апрель куни молхонага кириб, қоғозга ўраб беркитиб олиб қўйган гиёхвандлик моддасини ташлаб юбориш учун олиб эғнидаги сариқ рангли курткани чап чўнтагига солиб қўйганлигини, эртаси куни, яъни 5 апрель куни эса ушбу гиёхвандлик воситасини ташлаб юбориш ёдидан кўтарилиб, ушбу куртқада Темир йўл техникумига малака ошириш ўқишига борганлигини, ўқиш тугаганидан сўнг, у ердан чиқиб соат тахминан 15:00ларда ишхонага борганлигини, кўчада ёмғир ёганлиги сабабли “Тошкент темир йўл масофаси” (ПЧ-2) 11-сонли бўлинмасининг ошхонасига кирганлигини, у ерга кирганида бригадир О.Мирзахолов ўтирганлигини, О.Мирзахолов билан ўзи билан олиб борган “Кока-кола” ичимлигини ичиб, суҳбатлашиб ўтириганида, тахминан соат тахминан 15:30-16:00ларда ошхонага нотаниш бир шахс кириб келиб, ўзининг хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, Транспорт ва ТОХТД ТҚБ ЖҚБ ходими деб таништириб, тезкор ходим уларнинг шубҳали ўтирганликларини айтиб, икки нафар холисларни таклиф қилиб, чўнтақларидаги нарсаларни чиқаришларини сўраганлигини, сўнг О.Мирзахолов ёнида бўлган барча нарсаларни, яъни қўл телефони чикариб шу ердаги столнинг устига қўйганлигини, у ҳам ёнидаги барча нарсаларни чиқариб столнинг устига қўяётган вақтида устидаги сариқ рангли куртканининг чап чўнтагидан қоғоз бўлагига ўралган наша тушиб кетганлигини, сўнг ЖҚБ тезкор ходими ундан қоғоз ўрамидаги модда нима эканлигини сўраганида, у ушбу қоғоз бўлагига ўралган модда наша гиёхвандлик воситаси эканлигини, уни ўзининг истеъмоли учун 2022 йилнинг тахминан август ойида яшаш хонадонининг орқа томонидан оқиб ўтган канал бўйидан юлиб олганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг икки нафар холислар иштирокида ушбу наша гиёхвандлик воситаси баённома асосида олиб қўйилганлигини, бироқ унинг ушбу моддани кимгадир сотиш ёки ўтказиш мақсади бўлмаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг оқибатларини тушуниб ётганлигини, бошқа ноқонуний ишлар қилмаслигини билдириб, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини эътиборга олиб енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ О.Мирзахолов суд мажлисида, ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Тошкент темир йўл масофаси” (ПЧ-2) 11-сонли бўлинмада йўл бригадир лавозимида ишлаб келишини, 2023 йил йил 5 апрель куни тахминан соат 15:00ларда, у “Тошкент темир йўл масофаси” (ПЧ-2) 11-сонли бўлинманинг



ошхонасига исиниш учун кирган вақтида бўлинмада йўл устаси бўлиб ишловчи Равшанов Абдурахмон малака ошириш ўқишидан келиб қолганлигини, у ўзи билан “Кока-кола” ичимлигини олиб келганлигини, сўнг, улар ушбу “Кока-кола” ичимлигини ичиб гаплашиб ўтиришганида тахминан соат 15:30-16:00ларда уларнинг ёнига нотаниш бўлган шахс кириб, ўзининг хизмат гувоҳномасини кўрсатиб Транспорт ва ТОХТД ТҚБ ЖҚБ тезкор ходими эканлигини таништириб, уларнинг шубҳали ўтирганликларини айтиб, икки нафар холисларни таклиф қилиб, ёнларидаги нарсаларни чиқаришларини сўраганида у ёнида бўлган барча нарсаларни, яъни қўл телефонини чиқариб шу ердаги столнинг устига қўйганлигини, А.Равшанов ҳам ёнидаги барча нарсаларни чиқариб столнинг устига қўяётган вақтида устидаги сариқ рангли куртканинг чап чўнтагидан қоғоз бўлагига ўралган нарса ерга тушиб кетганлигини, сўнг Транспорт ва ТОХТД ТҚБ ЖҚБ ходими А.Равшановдан ушбу нарса нима эканлигини сўраганида, А.Равшанов ушбу қоғоз бўлагига ўралган нарса наша гиёҳвандлик воситаси эканлигини, уни ўзининг истеъмоли учун

2022 йил тахминан август ойида яшаш хонадонинг ёнидан оқиб ўтган канал бўйидан юлиб олганлигини айтганлигини, сўнг икки нафар холислар иштирокида А.Равшанов наша гиёҳвандлик воситасини баённома асосида олиб қўйилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва судланувчининг ҳимоячиси фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Равшановнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг ўзининг кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувлари, терговга қадар текширув ҳужжатлари, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, гиёҳвандлик экспертизасининг хулосаси, нарсани олиш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчининг жинойий ҳаракатига юридик баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Равшановнинг жинойий ҳаракатлари гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлашда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Равшановга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Суд, А.Равшановнинг айбига тўлиқ иқрор бўлганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди, жиноятни паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Равшановга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу



билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи О.Убайдуллаевнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий тўхтамга келиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, жиноят иши юзасидан ўтказилган судга оид амбулатор наркологик экспертизасининг 2023 йил 26 апрелдаги 659-сонли далолатномасида, А.Равшановнинг гиёҳвандлик касаллигига чалинганлиги ва ушбу касалликдан мажбурий даволанишга мухтожлиги аниқланмаганлиги сабабли, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўлламасликни лозим топади.

Суд А.Равшановга нисбатан жарима жазосини тайинлашда жиноят содир этилган вақтда, яъни 2023 йил 5 апрель куни Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 300.000 сўмни ташкил этганини инобатга олиб, ушбу миқдордан келиб чиқишни лозим топади.

Шунингдек, суд иш бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига мувофиқ, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга 04536-сонли қвитанция асосида сақлаш учун топширилган умумий оғирлиги 3,28 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишликни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И :**

Равшанов Абдурахмон Абдимўмин ўғли (**RAVSHANOV ABDURAHMON ABDUMOMIN O'G'LI**) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Равшанов Абдурахмон Абдимўмин ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида - 3.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Равшанов Абдурахмон Абдимўмин ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилиб Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга 04536-сонли қвитанция асосида сақлаш учун топширилган умумий оғирлиги 3,28 грамм бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка муддат ичида, маҳкум эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Мазкур муддат ўтказиб билдирилган протест ва шикоят кўрилмасдан қолдирилади.

**Раислик қилувчи, судья:**

**(имзо)**

**С.Хожамкулова**

Хукм нусхаси аслига тўғри, судья:

С.Хожамкулова

**Маъсул судья: Хожамкулова Сурайёхон Рустамовна**

